300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 11-aprel • Shanba • 43 (29.004) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

✓ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЗАМОН РУҲИНИ АНГЛАШ

ва шунга монанд ҳаракат қилиш зарур

Жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган жараёнлар олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Айниқса, сиёсий партиялар, уларнинг қуйи бўғини жамиятдаги ҳар бир ўзгариш, янгиликни тез илғаб, аъзолари, тарафдорлари, электорати орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориши зарур. Бунда, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда уларнинг етакчилари зиммасига катта масъулият юкланади.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасидаги партиямиз бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида шу ҳақда баҳс юритилди.

2-бет

ИШОНЧ ҚОЗОНИШ УЧУН

фаоллик, жонкуярлик, ташаббускорлик талаб этилади

Ҳақиқатни юзга айтишни хуш кўрадиган, партиямиз фаолларидан бири айтган гап мени анча ўйлантириб қўйди.

— Корхонамиз хусусийлашди, — деди у. — Ишчи-хизматчилар қўлида акциялар жуда оз эди. Катта сармояси бор бир-икки киши мол-мулкка эгалик қилаяпти. Аммо иш чапасига кетди. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлардик. Деҳқонлар ҳақини ололмагач, шартнома тузишга кўнишмади. Маошлар вақтида берилмагани учун ишчи-хизматчилар тарқалиб кетди. Бошланғич партия ташкилотимиз етакчисининг эса жамоада ҳам, раҳбарият олдида ҳам обрўси йўқ. «У ишни қилдим, бу ишни қилдим», дейди-ю, бирор-бир ташаббус билан чиқмайди. Ана шундай оғир пайтда ҳам аъзоларни мустаҳкам жипслаштириш йўлини топиб вазиятдан чиқиб кетиш учун жон куйдирганлар кам бўлди.

Айрим мулоҳазаларга бориб, корхона номини тилга олмаяпмиз. Шу билан бирга, бу фикрда жон борлигини ҳам рад этиб бўлмайди. Айрим корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ташаббус кўрсатмай қўйишганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Турмуши, орзу-ўйлари шу жамоа билан бевосита боғлиқ бўлган одамлар эса янгиликни, ўзгаришлар тезроқ самара беришини истайди. Ташкилот ва унинг етакчиси дастурий мақсадимизни жамоага етказа олишини, ташаббус кўрсатиб, жараёнга жиддий таъсир кўрсатишни хоҳлайди. Бунинг учун етакчининг оёғида ўт чақнаши лозим.

Қарши шаҳридаги 1-вилоят шифохонасида ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолияти билан танишганда, раҳбарлик мартаба эмаслигига, кўп-кўп ташаббуслар билан чиқиб, инсонлар ҳаётига мазмун бағишлаб, эзгу ишларни амалга ошириб, яшаш имкони эканига амин бўлдик.

2-бет

✓ «Ягонасан, муқаддас ватан!»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шоирлар, бастакорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари Ўзбекистон Президентининг **«Ягонасан, муқаддас Ватан!»** *республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.*

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ҚИЛИНАДИ

Президентимизнинг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори билан танишар эканман, юрагим ҳаприқиб кетди. Шодлигим ичимга сиғмасдан устозларим, ҳамкасбларимни қутладим. Ахир қувонмай бўладими? Йилт этган истеъдод эгаси борки, давлат эътиборидан баҳра олиб, қайсидир даражада рағбатлантирилмоқда. Айниқса, ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги-янги талантларни кашф этиш орқали миллий маънавиятимизни мустаҳкамлашга, ёшлар қалбига ватанпарварлик туйғусини сингдиришга, юрт равнақига дахлдорлик ҳиссини юксалтиришга эришилмоқда.

Ўтган йили «Ниҳол» мукофотига муяссар бўлганларнинг бири сифатида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган йирик тадбирларда, пойтахтимиздаги муҳташам «Истиқлол» санъат саройи саҳнасидан халқимизга бир қатор қўшиқлар ҳавола этдим. Маъмуржон Узоқов, Фаттоҳхон Мамадалиев сингари устозларимиз меросини астойдил ўрганиб, сайқаллантириб бормоқдаман.

2009-2014 йилларга мўлжалланган мусиқа мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган тарихий ҳужжат мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга қанчалик хизмат қилаётган бўлса, «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофотлари учун танловлар жараёни санъат санъат учун эмас, санъат халқ учун хизмат қилиши лозимлигини қатъий талаб этмоқда.

Бугунги кунлар қадрини, айнан Президентимизнинг янги қарори аҳамиятини англаш, бўлаётган ишларга назар солиш керак.

Янгиқўрғон туманининг Ёрилган қишлоғи туман марказидан кўра вилоят марказига, яъни Наманган шаҳрига яқинроқ. Аммо шаҳар биқинидаги шу қишлоқ узоқ вақт эътибордан четда бўлган. Отам оддий ҳайдовчи, онам эса тиббиёт соҳасида хизмат қилган. Улар мени болалигимданоқ санъаткор бўлишимни орзу қилишган. Мактабдаги мусиқа муаллимим Муроджон Мўйдинов албатта мусиқа мактабига боришимни тайинларди. Хуллас, қишлоқдан шаҳарга, 1-мусиқа мактабига қатнаб рубоб, доира, тор чертишни ўрганганман. Ўтган йили Фаттоҳхон Мамадалиев мусиқаси, Фурқат ғазали билан «Қадимги ушшоқ» қўшиғини ижро этиб, «Ниҳол» мукофотига муносиб топилдим. Ўзим таҳсил олган билим масканида устозларим билан ёнма-ён туриб шундай муваффақиятга эришганимдан бахтиёрман. Бу нимадан? Албатта, энг аввало Юртбошимиз эътиборидан!

Ёш истеъдодларга борган сари янада катта имкониятлар яратилаётганини ўз кўзимиз билан кўриб, билиб турибмиз. Қаранг, Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамлари, турли саналарга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида қанчадан-қанча ёш истеъдод соҳиблари катта саҳнага чиқмоқдалар. Биргина мен ишлаётган Санъат коллежидан ўтган йили «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичида уч нафар талаба уч йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритиб, эътирофга сазовор бўлди.

Ботирали Уришев, Муҳаммаджон Нуриддинов сингари ҳамкасбларим Икромжон Усанов, Миржалол Ўринбоев, Орифжон Эргашев, Нуриддин Ҳусанов сингари истеъдодли талабаларни танловга иштирок этишга тавсия этиб, дастлабки тайёргарликни бошладилар. Ўзбекистон халқ артистлари Зулайҳо Бойхонова, Абдуҳошим Исмоилов, Ўринбой Нуралиев, Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистондан хизмат кўрсатган артистлар Ғиёс Бойтоев, Мирзаабдулла Раҳмонов, Самандар Ҳамроқуловлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ишончим комилки, ушбу қарор санъатимиз равнақи учун хизмат қиладиган янги-янги истеъдодларни кашф қилади.

Шавкатжон ЭРГАШЕВ,
Наманган Санъат коллежи ўқитувчиси,
«Ниҳол» мукофоти соҳиби.

✓ Ўз мухбирларимиз хабар қилади

АГРОФИРМАДА КАСАНАЧИЛИК

Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмасида меҳнат қилаётган 600 кишилик жамоанинг ярми хотин-қизлардан иборат. Корхонада ёш болали, фарзанд тарбияси билан машғул аёлларни меҳнатга жалб этиш мақсадида касаначилик кенг йўлга қўйилган. Ҳозир агрофирмада 58 нафар уй бекаси касаначилик билан шуғулланмоқда.

— Ўтган йили касаначиларимиз 15 минг дона турли яшчик, 20 минг дона супурги, 14 миллион сўмлик иш кийим-кечаклари тайёрлашди, — дейди агрофирма етакчиси Расул Ҳусенов. — Жорий йилда ҳам касаначиларимизга буюртмалар кўп.

Бибигул Асқарова, Мариям Қаҳҳорова, Сабоҳат Алимова каби касаначилар агрофирма фахри ҳисобланади.

Музаффар ШАРОПОВ

УЗОҚ-УЗОҚ ОВУЛЛАРДА...



Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман марказларида, қишлоқ ва овулларида 2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини ривожлантириш Давлат миллий дастури асосида янги, замонавий андазаларга мос келадиган янги мактаблар қурилди.

Беруний туманида ўтган йил Навоий номли, Ў.Жуманиёзов номли, Беруний, «Гулистон», «Олғабос» деҳқон фермер хўжаликлари ҳудудидаги мактаблар мукаммал таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар, мебеллар билан таъминланди.

Яқинда туманнинг чекка қишлоғи — «Озод» овул фуқаролар йиғини ҳудудида 630 ўринга мўлжалланган 15-умумий ўрта таълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тумандаги «Шайх-Аббос» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 532 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Чекка қишлоқдаги мана бундай мактаб биноси, ундаги шарт-шароитлар, лаборатория ва компьютер хоналари нафақат ўқитувчи ва ўқувчилар, балки ота-оналарга ҳам чексиз қувонч бағишлади, — дейди мактаб директори Ҳайитбой Аметов.

Мактабни фойдаланишга топшириш тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мусо Ерниязов иштирок этди.

Раймбой ЕШИМБЕТОВ

ҚУШИҚ ШЕЪРДАН БОШЛАНАДИ

Қатнашчилар қўшиқ шеърдан бошланишини, яхши шеърдан яхши қўшиқ яралишини алоҳида таъкидлашди. Шу боис кўриктанловга тақдим этиладиган қўшиқлар матни бадиийлигини таъминлаш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси Назм кенгаши қошида Қўшиқ шўъбаси ташкил этишга қарор қилинди. Бундан ташқари, мамлакатимизда кечаётган воқеалар атрофлича таҳлил этилишини кучайтириш мақсадида Ёзувчилар уюшмасида Публицистика кенгаши ҳам тузилди.

Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов олиб борди.

(Ўз мухбиримиз)

• ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ислоҳотлар самарасини таъминлашга хизмат қилади

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ҲИСОБИ ЙЎҚ ЗАРАР, ЗУЗУРИ ЙЎҚ ФОЙДА

ёки маънавиятга тажовуз қилаётганлар ҳақида

Пул топиш, маънавиятга тажовуз этиш мақсадида яратилаётган бу «маҳсулот»лар пинҳона ва очиқчасига «истеъмол» қилинади. Бунинг таъсирида қадамини эгри босган «истеъмолчи» шаҳвоний нафс ва ҳирснинг қулига айланиши мумкин.

3-бет

Театримиз намояндалари

• ЭЗЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН ИНСОН

Олим Хўжаев нафақат буюк актёр, айни чоғда ўзбек театр санъати фидойиси, моҳир ташкилотчи ва жамоат арбоби эди.

4-бет

ВОДИЛДА «ЁШЛАР МАРКАЗИ» ОЧИЛДИ

Ёшларнинг маънавий-маърифий тадбирларини ўтказиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида Фарғона туман маркази Водилда «Ёшлар маркази» саройи тантанали очилди. Бу ерда ёшларга тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги каби касблар, хорижий тиллар, пазандачилик сирлари ўргатилади. Спорт секцияларида шуғулланиш имконияти яратилган.

«Ёшлар маркази»нинг очилиш куни туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида А.Саминов ва Д.Дадажоноваларнинг никоҳ тўйлари ҳам нишонланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ

✓ Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ислоҳотлар самарасини таъминлашга хизмат қилади

Ватанимизнинг тараққиёти ва ислоҳотлар муваффақияти халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқ. Шахснинг сиёсий фаоллиги, чинакам фуқаровий позицияси, демократик ислоҳотларни амага ошириш жараёнида иштирок этишга интилиши кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омилидир.

Маълумки, ҳуқуқий маданият кишилик тараққиётининг ажралмас қисми сифатида умумий маданиятнинг ривожини талаб этади. Бугунги кунга келиб, жамиятнинг ўзи ҳуқуқий маданият ва саводхонликни юксалтиришни талаб этмоқдаки, демак, биз тараққиёт йўлида собитмиз. Зеро, бусиз чинакам демократик давлат барпо этиш қийин.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун ўз вақтида, Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» қабул қилиши бежиз эмас эди, албатта.

Ҳуқуқий маданият юксак бўлган жамиятдагина қонун устуворлигини таъминлаш, унинг ижроси устидан назорат ўрнатиш ҳамда фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали амалга ошириш мумкин. Буни тараққий этган давлатлар тажрибаси кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг қамрови жуда кенг. Ундан кўзланган мақсад аниқ, инсон қадрини жой-жойига қўйиш ва унинг манфаатларини таъминлашдан иборат. Шундай экан, бу жараёнда ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз ва иштирокимиз бўлиши шарт.

Албатта, бу давлатимиз ва жамиятимиз илгари сурган вазифаларни ҳалол ва виждонан адо этишни, бу эса ҳуқуқий маданияти юксак инсонлар жараёнда бевосита фаол иштирок этишини талаб қилади. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»нинг мазмун-моҳияти шу мақсадда қабул қилинди.

Юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарай олмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг мустақил фикрловчи аъзоси бўлиш, ҳар бир ишга ўзининг шахсий нуқтаи назарини билдиришга интилади. Бундай киши мамлакат тараққиётига ғов бўладиган турли иллатларга қарши курашиш билан бирга, Конституция ҳамда қонунларимизда белгилаб берилган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда шахсан иштирок этиш масъулиятини чуқур ҳис этади. Энг муҳими, мустақил давлатимизда юритилаётган сиёсатни кўролмайдиганларнинг турли фисқи-фасодлари аслида уйдирмадан бошқа нарса эмаслиги, нима ҳақиқату нима бўҳтонлигини, бир сўз билан айтганда, оқни қорадан, яхшини ёмондан, дўстни душмандан ажрата олади. Демак, жамиятда ҳуқуқий маданиятли инсонларни камол топтириш, ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг энг тараққий топган мамлакатлари ўз иқтисодиётини ривожлантириш учун доимий равишда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келишган.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки мавжуд қонунларнинг аҳоли кенг қатлами томонидан ижро этилиши билан баҳоланади. Шунинг учун кишилар онгида қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларга чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бугунги кунда энг долзарб вазифага айланган. Чунки, қонун одамлар онгига сингган ва ҳаёт тарзимизнинг узвий қисмига айланган тақдирдагина ҳуқуқий меъёрлар яшайди ҳамда кутилган самарани беради.

Яна бир оддий ҳақиқат шуки, фуқаро қонундан қўрқиб эмас, балки уни ҳурмат қилиб, риоя этиб яшасагина қонун том маънода юридик кучга эга бўлади. Бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилмайди. Қонунни қадрлаган инсон уни бузмайди, четлаб ўтмайди, унинг меъёрларига қаттиқ амал қилади. Қолаверса, қонун шундай такомил топсинки, ҳар бир фуқаро уни четлаб ўтишдан эмас, балки унинг доирасида иш юритишдан манфаатдор бўлсин. Бу оддий ҳаёт фалсафаси. Шундай экан, бу талаб бизнинг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг зиммасига улкан масъулият юклайди. Ҳозир парламент қуйи палатасида қонун лойиҳаси муҳокама этилаётганда шунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар қандай қонуннинг амалда самарали ижросини таъминлаш мамлакат фуқароларига бориб тақалади. Шундай экан, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг иштирокини таъминлашнинг аҳамияти катта. Кенг жамоатчиликнинг бевосита иштирокида қабул қилинган қонунлар амалда мавжуд муаммоларни тез ва самарали бартараф этишга хизмат қилади. Жамият эҳтиёжларидан келиб чиқмаган қонун эса мавжуд масалани ҳал этиш ўрнига уни баттар чигаллаштиради ва иккинчи бир муаммони келтириб чиқаради.

Одамлар қабул қилинган қонунларнинг чиройли ёки жозибадорлигидан эмас, балки уларнинг кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишидан кўпроқ манфаатдор. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг февраль, май, ноябрь ойлари охирги ҳафтасида бевосита сайловчилар билан учрашувларга чиқиши, улар билан фикр-мулоҳаза алмашиши ўз самарасини бермоқда. Тажрибада кўринаяптики, қуйи палатанинг ҳар бир депутати аввало ўзи мансуб бўлган сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари, сайловчилари билан учрашувларида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган хулосалари асосида таклифлар киритмоқдалар. Бу жараён мамлакатимиз кўпчилик фуқаролари томонидан бирдирилган мулоҳазалар қонунларимизда ўз ифодасини топишига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. ОАВнинг бевосита иштирокисиз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини тасаввур этиш мумкин эмас. Шуни назарда тутиб, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ОАВ вакиллари учун турли анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Бу чора-тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ОАВ муносабатларини, ҳамкорлигини кучайтиришда яхши самара беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида адолатлиликни, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш нафақат мазкур идоралар, балки бутун жамият манфаатига хизмат қилади. Шундай экан, бу ишда айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг бевосита иштирокисиз бу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет нашрлари орқали жамоатчилик мазкур идоралар фаолиятига муносабат билдириш имкониятига эга. Кези келганда айтиш ўринлики, жойларда давлат идоралари амалга оширилаётган ишларни назорат қилиш имконияти ҳам яратилди.

Буларнинг барчаси пировардида жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, шу орқали ислоҳотлар самарасини таъминлаб, одамлар ҳаётини фаровонлаштиришга хизмат қилади.

Анвар БОЙҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.

ИШОНЧ ҚОЗОНИШ УЧУН

фаоллик, жонкуярлик, ташаббускорлик талаб этилади

Буйрак касалликлари бўлимининг мудири Тўхтагул Аминова анча йилдан буён шифохона бошланғич партия ташкилотига раҳбарлик қилади. Куни кеча бу ерда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Тўхтагул Аминова ўз ҳисоботида бошланғич ташкилот фаолиятидаги ютуқлар билан бирга, айрим камчиликларни ҳам очиқ-ойдин тилга олди.

— Шифохона воҳадаги йирик тиббий хизмат кўрсатиш масканларидан биридир, — деди у. — 412 нафар бемор даволаниши учун барча имконият яратилган. Барча ишларда бошланғич партия ташкилотининг таъсири сезилиб туради. 2008 йилда 6 киши тақдирида бўлган ижобий ўзгаришлар партиямиз билан боғлиқ. Ҳозир БПТ атрофида 34 аъзо бирлашган. Камчиликлар бор, аммо уни бартараф этиш мумкин. Масалан, Қаршининг иссиқ иқлимида шифохона ҳовлисини кўкаламзорлаштириб, дарахт ва гулларни янада кўпайтирсак, хайрли иш бўлади. Беморларга тиббий маданият, шахсий гигиена борасида ҳам етарли тушунча бериб бориш зарур. Бундан ташқари, шифокорлар малакасини муттасил ошириш, замонавий тиббий ускуналарни кўпайтириш, амалий ишларни кучайтириш зарур. Яқинда шифохонамизга Соғлиқни сақлаш вазири ташриф буюриб, фаолиятимиз ҳақида айрим танқидий фикрларни айтди. Олайлик, шифохона ошхонаси замон талаби даражасида эмас. Ҳозир у қайта қурилмоқда. Чунки шифохонада таомнинг беморларни даволашдаги аҳамиятига етарли эътибор берилмаган. Ваҳоланки, бу масала БПТ йиғилишларида ҳам кўтарилган эди-ю, бизда талабчанлик, қатъият етишмади.

Ҳеч ким сиёсий жараёндан четда тура олмайди. Масалан, ўзимиз яшаётган Қарши шаҳар ҳокимлиги қандай фаолият кўрсатаяпти, депутатларимиз ишончимизни оқлаяптими, бу масалалар партиямиз аъзоларинигина эмас, кўпчиликни қизиқтиради. Тўғриси, партиямиздан сайланган айрим депутатларнинг беғамлиги, ташаббуссизлигини кўриб, хафа бўласан, киши. Уларни фаоллаштириш масалаларида ташаббус билан чиқмаяпмиз.

Шунингдек, сўзга чиққан тиббиёт фанлари номзоди Шаҳдулла Жўраев, фаоллар Озод Ирисов, Қўзибой Чўлиев ва бошқалар партиянинг дастурий вазифаларини амалга оширишда бошланғич ташкилотнинг ролини кучайтириш, олдинда турган муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Кўпчилик аъзоларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида бошланғич партия ташкилоти раислигига Т.Аминова қайта сайланди.

— Етакчимиз ажойиб фазилат эгаси, — дейди Қарши шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Комила Каромова. — Тўхтагул Аминова қобил фарзандларни улғайтириб, элга қўшди. Биргина ўзи бош бўлимда эмас, балки бутун шифохонада намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун жон куйдиради. Ҳар доим янги бир таклиф ёки мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Партия аъзоларининг сиёсий, маданий-маърифий дунёқарашини ўстириш учун таниқли иқтисодчи ва сиёсатчилар, адабиёт ва санъат арбобларини таклиф қилади, улар билан учрашувлар ўтказади. Ўз ишига ниҳоятда жонкуяр, бошланғич ташкилот, унга бирлашган аъзолар тақдири, фаоллигига масъул бу аёлнинг куйиб-ёниб яшаши, теран мулоҳазалари, ҳар қандай инсонга таъсир қилади. Етакчи деган шундай бўлиши керак-да, ахир!

Ҳисобот-сайлов йиғилишидан сўнг Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти доценти, иқтисод фанлари номзоди, партиямиз аъзоси Ширин Файзиева жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий танглик, унинг сабаблари, Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастурий йўналишлар белгилаб берилгани ҳақида атрофлича ахборот берди. Ўзаро саволжавоблар бўлиб ўтди.

●●●

Партиямиздан Қарши шаҳар Кенгаши депутати Дилбар Турдиева раҳбарлик қилаётган «Ихтисослашган хотин-қизлар маркази» бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам босиб ўтилган йўл таҳлили, мавжуд камчиликларга эътибор қаратиш масалаларида ўзаро фикр-алмашувлар асосида ўтди. Ташкилот раиси этиб Гулнора Эшимова сайланди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЗАМОН РУҲИНИ АНГЛАШ

ва шунга монанд ҳаракат қилиш зарур

БПТ етакчиси Козим Ибодхўжаев амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, фаоллар олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритди.

— Жамоамизда ҳаммаси бўлиб 602 нафар — шифокор, ҳамшира ва бошқа ходимлар меҳнат қилади, — деди у. — Уларнинг 128 нафари партиямиз аъзоларидир. Сафимизда тиббиёт фанлари номзоди, шаҳар бош офтальмологи Зулфия Мақсудова, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали хирург Муҳаммаджон Илёсов, тиббиёт фанлари номзоди, шаҳар бош терапевти Раҳима Муҳамедова, муассасамиз раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, тиббиёт фанлари доктори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Элмира Боситхонова каби фаолларимиз борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. БПТ атрофида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Биргина 2008 йилда сафимизга 24 нафар йигит-қиз қўшилди.

Бошланғич ташкилот нафақат партиявий, сиёсий тадбирлар, балки маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратаяпти. Умумхалқ байрамлари, турли саналар муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда партия аъзолари билан бирга жамоада меҳнат қилаётган барча ходимлар иштирок этмоқда. Айтиш керакки, бу ерда партиямизнинг тарафдорлари, қўллаб-қувватловчилари ҳақиқатан ҳам кўпайиб бормоқда.

Аммо, ўтган даврда бой берган имкониятларимиз ҳам оз эмас. Аввало фаолиятимизда изчиллик бироз етишмади. Партиямиз етакчилари, депутатлари билан учрашувларни кам ўтказдик. Мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган воқеалар бўйича давра суҳбатлари, баҳс-мунозараларни тез-тез ўтказиб туриш лозим эди. Ҳисобот-сайловдан сўнг ким бошланғич ташкилот раиси бўлишидан қатъи назар, бу масалаларга жиддий эътибор берилмоғи керак.

— Ҳаммамизга маълумки, жаҳон иқтисодиёти оғир инқирозни бошдан кечираётган мураккаб даврда, Президентимиз ташаббуси билан республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган, Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, — деди Элмира Боситхонова. — Шу ўринда савол туғилади: хўш, инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлашда бизнинг иштирокимиз нимадан иборат бўлиши керак? Аввало, шу саволга жавоб излайлик ва вазифаларни аниқ белгилаб олайлик. Чунки замон руҳини англаш ва шунга монанд ҳаракат қилиш барчамиздан талаб этилмоқда.

— Мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этишга имкон қадар ҳисса қўшиш бошланғич ташкилотимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади, — деди қабул бўлими мудири Муқаддас Саидҳўжаева. — Масалан, шифохонада сув, иссиқлик ҳамда электр энергиясидан унумли фойдаланиш, уларни тежаш, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасида тарғибот-ташвиқот тадбирларида бошланғич ташкилотимиз фаол иштирок этмоғи зарур. Аҳолининг тиббий маданиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор талаб этилмоқда. Фуқароларнинг турли касалликларга чалиниши қанчалик камайса, ўз-ўзидан аёнки, уларни даволаш билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳам қисқаради.

— Ўтган даврда бошланғич ташкилотимиз партиямиз дастурий мақсадларини тарғиб этиш юзасидан кўп ишларни қилди, — деди кадрлар бўлими мудири Ольга Калашникова. — Аммо БПТнинг вазифаси фақат шундангина иборат эмас, деб ҳисоблайман. Жамоада меҳнат самараси, ундан манфаатдорликни ошириш борасида ҳам таклифлар, ташаббуслар билан чиқишимиз зарур. Бундан шифохона ҳам, партиямиз ҳам, энг аввало, электоратимиз вакиллари, фуқароларимиз манфаат кўради.

Шунингдек, кўз шифокори Дилафрўз Қосимова, бош ҳамшира Дилбар Жабборова ва бошқа фаоллар ҳам сўзга чиқиб, БПТнинг навбатдаги вазифалари юзасидан таклифларни ўртага ташлади.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Туман партия кенгаши таркибига вакиллар, БПТ ижроия қўмитаси аъзолари, туман партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди. Партиядошлар бир овоздан Козим Ибодхўжаев бошланғич ташкилот раиси вазифасини давом эттириши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдилар ва у яна етакчи этиб сайланди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Баркамол авлод орзуси йўлида

ҚИШЛОҚЛАРДА КОЛЛЕЖЛАР

Мамлакатимизда таълим тизимига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шу боис шаҳарларимиздагина эмас, қишлоқларимизда ҳам ёшларнинг билим олишлари, касб-ҳунарни пухта эгаллашлари учун замонавий таълим масканлари қад ростлаяпти.

Жумладан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Испанза қишлоғида 825 ўринга мўлжалланган Агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи барпо этиляпти. Бундай иншоотнинг қад ростлаётгани испанзалик минглаб қишлоқ ёшларининг келажакда касб-ҳунар эгаси бўлишида кенг имкониятлар яратади. Ҳозир бунёдкорлик юмушларининг деярли 60 фоизига яқини бажариб бўлинди. Бу ишларни «Муҳандис» масъулияти чекланган жамиятининг 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилари амалга оширмоқда. Шунингдек, туманнинг Бешкапа қишлоғида ҳам энг замонавий кўринишда 825 ўринга мўлжалланган Саноат касб-ҳунар коллежи қурилмоқда. Уни «Дамир» хусусий фирмасининг қурувчилари бунёд этишмоқда.



— Бу иккала таълим маскани ҳам истиқлолимизнинг 18 йиллиги шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилади, — дейди вилоят инжиниринг компанияси директори Акмал Сафоев.

— Бугунги ёшларга жуда ҳавасим келади, — дейди Суфи қишлоғилик 90 баҳорни қаршилаган Абдулла бобо Мелиев. — Уларнинг билим олишлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Биз каби нуронийлар буларни эшитиб ёки кўриб ич-ичимиздан севинамиз. Қўшни қишлоқда яна бир коллеж қурилаётгани ўғил-қизларимиз узоғини яқин қилади. Чунки, шу пайтга қадар невараларимиз касб-ҳунар эгаллаш учун туман марказига ёки Самарқанд шаҳрига қатнашарди. Бундайин салобатли ва муҳташам бинолар қишлоқларимизнинг кўркига-кўрк қўшади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Ургут туманида бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайди. 40 дан зиёд ҳар хил маиший-маърифий иншоотлар қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ



Суратларда: қурилиш жараёнидан лавҳалар.
Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

ТЕКШИРУВЛАР СОНИ ҚИСҚАРМОҚДА

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш шу куннинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада қўйилган вазифаларни изчил таъминлаш мақсадида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишлар сонини қисқартириш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун янада қулай шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар қилинди.

— Жумладан, — деди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев. — режадан ташқари текширишларга рухсат бериш тартибига ўзгартиш киритилиб, 2009 йилда режадан ташқари ҳужжатли текширишлар ўтказишга рухсатнома фақатгина Кенгаш раиси имзоси билан ҳамда режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказишга рухсатнома фақатгина Кенгаш ҳудудий комиссияси раислари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими имзоси билан расмийлаштириш тартиби жорий қилинди.

Шу муносабат билан туман (шаҳар) ҳокимлари ва ҳудудий комиссиялар раиси ўринбосари сифатида Давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг режадан ташқари қисқа муддатли текширишларга рухсат бериш ваколати 2010 йилгача тўхтатилди ва бу тартибга амал қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

2009 йилда ўтказиладиган текширишларни яна қўшимча 30 фоизга қисқартириш тўғрисидаги қарор шу йил 27 мартда тасдиқланди. Унга асосан 2009 йил учун дастлаб тасдиқланган текширишлар режа-жадвалидан яна 4413 та хўжалик юритувчи субъект чиқарилиб, 2009 йилда режали текшириш ўтказиш мўлжалланган субъектлар сони 2008 йил режасига нисбатан 8518 тага ёки 64 фоизга қисқартирилди, шу жумладан Давлат солиқ хизмати органлари томонидан режали тарзда текширилиши мўлжалланган корхоналар сони 7464 тага ёки 62 фоизга қисқартирилди.

Биринчидан Солиқ кодексининг 70-моддасига биноан камерал, яъни давлат солиқ хизмати органларида мавжуд ҳисоботлар, бошқа органлардан олинган маълумотлар билан солиштириб бориш орқали солиқ тўловчилар фаолияти бўйича назорат юритилади.

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хронометраж ўтказиш йўли билан назорат ишлари юритилади.

Учинчидан, солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигида бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардор қилиб бориш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Ташаббус

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини кенг оммага чуқур сингдириш мақсадида Самарқанд вилоятида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг иш режасига мувофиқ Самарқанд давлат университети иқтисодиёт факультети олимларини жалб этган ҳолда, 4 та тарғибот гуруҳи тузилди. Улар вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги ташкилот, муассаса, хўжалик ва гузарларда бўлишиб, суҳбатлар ўтказмоқда.

Бу учрашувларда асосан учта мавзу бўйича қизғин мунозаралар бўлиб ўтаяпти:

— ўтган йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида ва шу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори;

— ўтган йилда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва Вазирлар Маҳкамаси мажлиси қабул қилган қарор асосида вилоятда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини таъминлаш юзасидан белгиланган чоратадбирлар;

— жаҳонда юзага келган молиявий инқироз дунёнинг манаман деган давлатлари иқтисодиётига жиддий хавф солиб турган пайтда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастури, умуман, иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг Президентимиз таклиф этган изчил, босқичма-босқич амалга ошириш модели нақадар тўғри ва истиқболли эканлиги.

Жорий йилда Самарқанд вилоятида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 8,8 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари 12,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 5,1, қурилиш-пудрат ишлари 14, чакана савдо 16,7, сервис-хизмат кўрсатиш 17,2 фоизга ошиши белгиланган. 60 тадан зиёд янги корхона фойдаланишга топширилади, 29 та саноат корхонаси модернизация қилинади. Бу вилоятда 3500 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилади деганидир.

Тарғибот гуруҳлари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларда турмуш даражасини тубдан яхшилаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантиришнинг йўл-йўриқларини тушунтириб бераяптилар.

Туманларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизими моддий базаси ва сифатини кучайтириш турмуш даражасини юксалтиришнинг муҳим омили экани таъкидланиб, жойларда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш бўйича оймаой мониторинг олиб боришни тавсия этдилар.

Бу учрашувлар аҳоли маънавий дунёсини бойитиши билан бир қаторда, уларнинг иқтисодий билимлари ошишига ёрдам беряпти. Жойларда янги тадбиркорлик, касаначилик, фермер хўжаликлари пайдо бўлишига замин яратилмоқда.

Самариддин АЛИҚУЛОВ,
Самарқанд давлат университети иқтисодиёт факультети декани, доцент.

✓ Огоҳ бўлинг!

ХИСОБИ ЙЎҚ ЗАРАР, ЗУРИ ЙЎҚ ФОЙДА

ёки маънавиятга тажовуз қилаётганлар ҳақида

Ҳеч аҳамият берганмисиз, океан ортида суратга олинган фильмларнинг аксарияти минг бир чиғириқ, қалтис вазиятлардан эсон-омон ўтиб олган кино қаҳрамонларининг бирбирини қучиб, ўпишиши билан якунланади. Нега шундай? Бу фильм ижодкорларининг ўзига хослигими ва ёки андишасизликми?..

Ҳиндистонлик кинорежиссёрлардан бири ўз фильмида «бўсали» лавҳа бўлишига изн сўраб, мамлакатнинг ўша пайтдаги собиқ бош вазири, марҳум Ражив Гандига мурожаат қилган экан. Бу нима? Ҳар эҳтимолга қарши маломатга қолмаслик учун эҳтиёткорликми ёки ёт таъсирларга берилиб янгилик яратишга интилишми?..

Келинг, бундай фильмларга баҳо бериш, муносабат билдиришни шу соҳа мутахассисларига қолдирсак-да, беҳаёликни тарғиб этувчи «яланғоч» фильмлар яратувчилар ва уларни тарқатувчилар ҳақида фикрлашсак.

«Окалар, булар порнография эмас эротика-ю, шунга шунчами? А так, узр». Бу беҳаёликни тарғиб этувчи фильмлар ёзилган дискларни божхона сарҳадлари орқали олиб ўтишда қўлга тушган қонунбузарнинг сўзлари. Қаранг, ёшгина йигит порнография билан эротикани фарқлаб, ўзини оқлашга уринмоқда. Аслида беҳаёликнинг фарқи, даражаси бормикан? Йўқ, шекилли. Лекин, Интернетни титкиласангиз, айрим «файласуф»ларнинг беҳаёликни турларга, шаклларга ажратишига, «илмий» қараш-лар, таҳлилларни эса нафақат назарий, балки «амалий» мисоллар билан асослашга чиранганига гувоҳ бўласиз. Фикран, ахлоқан тубанлашганлар ҳатто мурдаларни ҳам «тинч» қўйишмайди.

Бир қанча мамлакатларда порнографик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва уларни тарқатувчиларга қарши кескин чора-тадбирлар кўрилаётган, қатъий жавобгарлик белгиланаётган бўлса-да, бу иллатнинг илдизи томир отишдан тўхтаётгани йўқ. Аксинча, унинг орқасидан «кун кўрадиганлар» кўпайиб бормоқда. Шундай мамлакатлар борки, уларда порнографик маҳсулотларни кенг ишлаб чиқариш ва тарқатиш орқали йилига 30-40 миллиард АҚШ доллари атрофида даромад қилинади.

Бутун ўй-хаёлини аҳлоқсизлик, қандай йўл билан бўлмасин пул топиш эгаллаган бундай кимсаларга панд-насиҳатдан фойда йўқ. Уларга қарши фақат курашмоқ керак. Чунки, бу тоифадаги одамларнинг турган-битгани зарар. Улар одатда танганинг иккинчи томони билан иш тутадилар. Яъни, тараққиётдан ҳам, ахборот технологиялари ривожидан ҳам эгри, нопок, жирканч мақсадларда фойдаланишади. Натижада, «голый» карталар ўз ўрнини «голый» флешкалар, дисклар, «сотка»ларга бўшатиб бермоқда.

Ушбу айбловимизнинг уларга нисбатан тоши енгилроқ. Нимага дейсизми? Чунки бундай кимсалар қилмишидан фақат ўзлари эмас, балки жамият, айниқса, ўсиб келаётган ёшларнинг онги заҳарланади. Яна да аянчлиси, бу микроб яшовчан бўлиб, ўта юқумлилиги билан бутун инсониятга хавф солади.

Пул топиш, маънавиятга тажовуз этиш мақсадида яратилаётган бу «маҳсулот»лар пинҳона ва очиқчасига «истеъмол» қилинади. Бунинг таъсирида қадамини эгри босган «истеъмолчи» шаҳвоний нафс ва ҳирснинг қулига айланиши мумкин. Оқибатда эса турли юқумли касалликлар, «XX аср вабоси» ҳисобланмиш ОИТС-га йўликқанлар янада кўпаяди.

Фуқаро А.Парамонов «порно»дан пул топадиганлар тоифасидан экан. У 11 хил турдаги 502 дона номи ҳалиги... сунъий воситаларни хориждан олиб келаётганда «Тошкент халқаро аэропорти» божхоначилари томонидан ушлаб қолинди.

Эндигина 20 ёшга тўлган З.Баратов ҳам Парамоновга ўхшаб пул топадиганлар тоифасидан чоғи, акс ҳолда, у 11 дона DVD диск ва 2 дона видеокассеталарни юртимизга олиб кираётганда аэропортда қизариббўзариб қолмаган бўларди.

Қонунбузарлардан яна бири Н.Потапова 52 ёшда. Тошкентга поездда етиб келган хорижлик бу аёлнинг қўл сумкаларидан 17 дона порнографик мазмундаги (мазмун нима қилсин уларда) журналлар чиқиб қолди. Эмишки, у буларни танишларига совға сифатида олиб келаётган экан. Совғамиш-а...

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, божхоначилар томонидан ўтган 2008 йилда 450 га яқин ҳолатда салкам 1300 та беҳаёликни тарғиб этувчи турли шаклдаги «маҳсулотлар», «воситалар» ушлаб қолинган. Жорий йилнинг 1 чорагида эса 142 та ҳолат, 300 тага яқин ўша...

Хўш, бу рақамлар камми ёки кўп? Битта бўлса ҳам кўп! Негаки...

Одатда, математикадаги 4 та амал билан яъни, қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш орқали фойда-зарарни сарҳисоб қиламиз. Лекин, юқоридаги қонунбузарлик ҳолатларининг келтириб чиқарадиган оқибатларини, ёшлар тарбиясига, маънавиятга етказадиган зарарини тўртала арифметик амал билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Шундай экан, беҳаёлик, яланғочлик тарғиботига қарши курашишда ҳамма-ҳаммамиз масъулдирмиз.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

бўлиб ўтди



Жозоирда президент сайлови бўлиб ўтди. Унда 6 номзод кураш олиб борди. Номзодлар орасида ғалаба қозониши учун энг кўп имкониятга эга шахс мамлакатнинг амалдаги президенти, 72 ёшли Абдулазиз Бутефликадир. У учинчи муддат учун кураш олиб борди.

Кузатувчиларнинг фикрича, сайловчиларнинг сайлов участкаларига кам келиши сайловнинг иккинчи турини ўтказишга мажбур этиши мумкин эди, аммо бундай бўлмади. Рўйхатга олинган 20 миллион сайловчининг 74 фоизи сайловда иштирок этди. Демак, сайлов қонуний ўтган ҳисобланади. Сайлов натижалари эса яқин вақт ичида маълум қилинади.

«Новости» АА хабар беришича, Бутефликага рақиб номзодлар сайловолди кампанияси учун кам вақт (3 ҳафтадан озроқ) берилганидан норози бўлишди. Аммо маъмурият ҳаммага тенг имконият яратилганини таъкидламоқда.

Муқобиллик асосида ўтказилган бу сайлов тўртинчиси ҳисобланади. Бундай сайлов илк бор 1995 йили ўтказилган. Ўшанда Ламин Зеруал ғалаба қозонган. 1999 ва 2004 йилги сайловларда эса Жазоирнинг амалдаги президенти А. Бутефлика ғалабага эришган.

2008 йил ноябрда мамлакат Конституциясига киритилган ўзгартишларга кўра, амалдаги пезидент яна номзодини қўйишга ҳақли. Асосий қонуннинг аввалги вариантида президент икки бор 5 йиллик муддатга сайланиши мумкин эди.

Араб давлатлари лигаси, Ислом ташкилоти конференцияси, Африка Иттифоқи ва БМТ экспертлари гуруҳи сайлов жараёнларини кузатиб борди.



ФАҚАТ АЁЛЛАР УЧУН

мўлжалланган автобус

Дубайда фақат аёллар учун мўлжалланган автобуслар энг гавжум йўналишларга чиқарилди.

Дубай йўл-транспорти агентлигидан олинган манбаларга асосланиб, «Gulfnews» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Бу автобус эрталаб соат 6.30 дан 9.00 гача, тушдан кейин эса 16.00 дан 20.00 гача фаолият юритади. Бундай автобусларда фақат аёллар юриши қатъий тартибда белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Дубай араб давлатлари ичида аёл эркинлигига кўпроқ эътибор қаратаётгани билан ажралиб туради. 2006 йилда амирликда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш учун хотин-қизлар ишлари бўйича алоҳида муассаса таъсис этилган. Жорий йилда Дубай тарихида илк бор аёл судьяликка сайланди.

Яна шуни айтиш керакки, фақат Дубайдагина аёллар учун алоҳида автобус йўналишлари ташкил этилмаган. Ўтган йили шилқим эркаклардан аёлларни муҳофаза этиш учун Мехико-Сити шаҳрида ҳам алоҳида жамоат транспорти ташкил этилган. Шунингдек, бундай автобус йўналишлари Ҳиндистонда, Японияда, Бразилияда ҳам йўлга қўйилган.

ВИЗА ТАРТИБИ

жорий этилди

Молдова маъмурияти Руминия фуқароларига нисбатан виза тартибини жорий этди. Сабаб: Кишинев расмийлари Руминияни Молдованинг ички ишларига аралашганликда айбламоқда.

Гап шундаки, дейилади «Новости» АА ахборотида, мухолифат якшанба куни бўлиб ўтган парламент сайловлари якунлари сохталаштирилган, дея сешанба ва чоршанба кунлари норозилик акциясини уюштирди. Аммо халқаро кузатувчилар сайлов жараёнида жиддий қонунбузилишларга

йўл қўйилмаганлигини билдирди ва сайлов қонуний ўтганлиги ҳақида баёнот берди.

Норозилик митингида мухолифатчилар қўшни Руминияга қўшилишни талаб қилдилар.

Молдова маъмурияти Руминия фуқароларидан виза учун тўлов олмайди. Лекин Руминия Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар сингари визага тўлов (35 евро) жорий этса, Молдова ҳам шундай қилишга мажбур бўлиши ҳақида огоҳлантирди.

«АГРОБАНК» ЯНГИ БИНОДА

Бухорода «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг янги биноси қуриб ишга туширилди. Шаҳарнинг Шарқ мавзеси кўркига кўрк бўлган ушбу иншоот миллий ва замонавий меъморчилигимизнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган. Унда мижозларга жаҳон андазаларига мос хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд.

— Бундай имконият барчамизни қувонтирмоқда, — дейди пешқўлик фермер, сенатор Ёқуб Фаттоев. — Энди банкнинг барча хизмат турларидан самарали фойдаланиш, хусусан, вақтдан тежаш биз, фермерларга қўл келади.

Дарҳақиқат, мижозларга сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш учун муассаса энг сўнгги русумдаги компьютер ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«САМАРҚАНДПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд вилояти, Жума пахтатозалаш заводини реконструкция қилиш	5 522 382 400 сўм	4 602 235 333 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари «Самарқандпахтасаноат» ҲАБнинг хусусий маблағи ва банкдан олинадиган кредит маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 50-уй, **телефон:** (8366) 233-30-76.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танлов қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 50-уйда соат 15.00 да «Самарқандпахтасаноат» ҲАБнинг биносида ўтказилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
	ЛОТ 1-4:		
Лот-1	Оқдарё туманидаги «Полвон» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	53 759 278 сўм	4 ой
Лот-2	Пайариқ туманидаги «Қўтирбулоқ» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	104 399 377 сўм	6 ой
Лот-3	Каттақўрғон туманидаги «Аллат» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	236 067 117 сўм	6 ой
Лот-4	Пахтачи туманидаги «Харсап» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	35 680 154 сўм	4 ой

Қурилиш ишлари Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 70-уй, телефон: (8-366) 234-04-34.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**
Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 15,00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Маънавият

Буюк актёр, таниқли жамоат арбоби, ажойиб инсон Олим Хўжаев (1910-1977) билан чорак аср дийдор кўришдим, ўн беш йил Ўзбекистон театр арбоблари ижодий уюшмасида бевосита бирга ишладик, саҳна санъатида маслакдош бўлдим. Олим ака билан ўнлаб ижодий учрашувлар ўтказдик. Унинг ҳақида билганларимни, кўнглимга тугиб юрган гапларни айтишни бурчим деб ҳисобладим.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН ИНСОН

Олим Хўжаев, аввало, чинакам актёр эди. Ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган қатор пьесалардаги етакчи ролларни ижро этиб, олқишларга сазовор бўлди, катта довруғ таратди. Унинг ижросидаги Яго («Отелло»), Цезарь («Юлий Цезарь»), Гамлет («Гамлет») қуйма образлар эди. Айниқса, Гамлет роли актёрга катта шуҳрат келтирди, унинг довруғини республикамиздан четларга ҳам кенг ёйди, жаҳон «саҳна шекспирномаси»га бебаҳо дурдона бўлиб қўшилди. Олим Хўжаев Гамлетнинг қалб туғёни билан йўғрилган оташли монологлари билан томошабинларни ҳаяжонга чўмдирарди, ҳаёлларга ботирарди.

Олим ака «Гамлет»даги роли ҳақида бундай деганди: «Чўлпон айбланиб «қораланганда», тегишли маҳкама, ҳатто санъат ишлари бошқармаси афиша ва «программа»лардан «Чўлпон таржимаси» деган ёзувларни олиб ташлансин, деган кўрсатма берганди. Аммо мен ўша пайтларда ҳам Гамлетни шоирнинг таржимасида ижро этаверганман. Ўша пайтдаги санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи ҳатто театр мухлислари билан учрашувларда «Гамлет»дан монологлар ўқиганингизда ҳам Чўлпон таржимаси ҳақида сўзламанг, деб мени огоҳлантирганди. «Гамлет»ни бошқа муаллиф ҳам таржима қилган, аммо Чўлпон таржимаси менинг хотирамда муҳрланиб қолган».

Олим Хўжаев театр саҳнасида Гамлетни 1000 маротаба ижро этди ва бу жаҳон «театр шекспирномаси»да камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Кўплаб томошабинлар ушбу спектаклни 5-10 марталаб томоша қилган. «Ғарб театри шекспирномаси»да Гамлет ролини энг кўп, улкан маҳорат билан ижро этган машҳур актёр Эдмунд Кинг ҳисобланиб келинарди. Олим Хўжаев Гамлетни мингинчи марта намойиш этган «Бенефис» кечасида ҳам театр зали мухлислар билан тўлиб-тошган эди, ташриф буюрганлар спектаклни ҳатто тик туриб томоша қиларди, кўплаб томошабинлар эса залга киролмай ташқарида қолиб кетганди. Шубҳасиз, улар Гамлет ролининг энг яхши ижрочиси Олим Хўжаев деб билишарди.

Шекспирнинг «Қирол Лир» пьесаси ҳам Олим Хўжаев ташаббуси билан театр саҳнасида қўйилганди. 1967 йилда илк бор намойиш этилган (саҳналаштирувчи режиссёр Н.Ладигин) бу спектаклда Қирол Лир ролини Олим ака ижро этган эди. Шекспирнинг «Қирол Лир»и ўзбек театрида фалсафий фожиа йўсинида саҳналаштирилди. Актёр ўзининг чуқур фалсафий мушоҳадаси билан Лир «валюнтаризми» ва инқирозини XX асрнинг 60-йилларидаги сиёсатга қиёслаб гавдалантирди. Шекспир асари қаҳрамонининг бу аснода театрда яратиш катта дадиллик эди. Актёр ушбу роль ижроси учун бежиз Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлмаганди.

Олим аканинг саҳнада ижро этган ўнлаб ролларини кўриб, кузатиб борарканман, дунёга донғи кетган буюк актёр Сальвининнинг ажойиб сўзлари ёдга тушади: «Кимда-ким фақат юракка тан берса, демак, унинг ақли сийқа. Бироқ, кимда-ким фақат ақлга тан берса, демак унинг қалби йўқ». Олим Хўжаев яратган образларнинг ҳар бирида теран фикр, саховатли юрак ёлқини кўриниб турарди. Бунга Карл Моор («Қароқчилар»), Астров («Ваня тоға»), Паратов («Сепсиз қиз»), Нури («Туркия ҳақида ҳикоя»), Саттор («Юрак сирлари»), Ярослав («Фауст ва ўлим») ва бошқа образлар яққол мисол бўла олади.

«Алишер Навоий» спектаклидан саҳна.

Айниқса, «Алишер Навоий» спектаклидаги Навоий образи актёрга катта шуҳрат келтирди. Унинг талқинидаги буюк шоирнинг саҳнадаги сиймоси ниҳоятда тўлақонли ва чинакам ҳаётий бўёқлар билан гавдалантирилганди. Актёр ушбу роли билан саҳнамиз Навоийси бўлиб қолди ва ўзига мангу ҳайкал ўрнатди.

Олим Хўжаевнинг ижоддаги диапазони кенг эди. У театрда актёрлик, режиссёрлик қилиш билан бирга, радио постановкаларда ҳам роллар ижро этарди. Умр йўлдоши, Ўзбекистон халқ артисти, театр ва рассомлик санъати институтининг тажрибали педагоги Шоҳида Маъзумова билан бирга яратган «Кашмир қўшиғи» радио спектаклини яхши эслайман. Актёрнинг нутқ санъати, ҳар бир сўзни қилиб айтиши тингловчини беихтиёр ҳаяжонга соларди. Буюк актёр Кино санъатида ҳам ажойиб образлар яратди. Давронбек («Фарзандлар»), Ҳамза (шу номдаги фильм), Бўриев («Машаққатли йўл»), Солиҳ Махдум («Меҳробдан чаён») ва бошқа образлар кино томошабинлари хотирасида ўчмас из қолдирган. Олим Хўжаевнинг «характер яратиш» маҳоратига, «образ руҳига» кириб бориш қобилиятига ҳайрон қолардик, қойил қолардик.

Унинг актёрлик санъати маҳорати, яратган мактабидан қанчалаб ёш истеъдодлар, иқтидорли актёрлар бахраманд бўлмади дейсиз. Ҳозирги кунда атоқли санъаткор бўлиб танилган Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Обид Юнусов, Турғун Хонтўраев, Рихси Иброҳимова Олим аканинг устоз сифатидаги бағрикенглиги, меҳрибонликларидан баҳраманд бўлишган.

Олим Хўжаев нафақат буюк актёр, айни чоғда ўзбек театр санъати фидойиси, моҳир ташкилотчи ва жамоат арбоби эди. Бир неча йил отахон театрнинг директори ва бадиий раҳбари сифатида репертуарни бойитишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасига 22 йил раҳбарлик қилди. ЮНЕСКО қошидаги Халқаро театр институти жаҳоннинг турли қитъаларидаги мамлакатларда ўтказган санъат ва маданият кунларида, халқаро театр фестиваллари анжуманларида иштирок этди.

Қайси мамлакатда саҳна санъатига бағишланган конференция ўтказилса, Олим ака ўзбек драматурглари асарларини саҳнага қўйиш учун курашарди. Украинанинг Львов шаҳридаги театрда Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий драмаси қўйилганди ва томошабинлар спектаклни жуда қизғин кутиб олганди. Ўшанда жонкуяр санъаткоримиз беҳад хурсанд бўлиб, шундай дегандилар: «Мана, энди украиналиклар буюк Улуғбек жасорати, башарият учун қилиб кетган улкан хизматлари билан чуқурроқ танишишга муваффақ бўлади».

Яна бир воқеа ёдимда. Олим Хўжаев Англияга Шекспир асарлари фестивалида иштирок этиш учун таклиф этилганди. Ўшанда мен ҳам бирга эдим. Лондондаги Қирол театрида буюк драматург асарларини кўрдик, Шекспир таваллуд топган шаҳардаги уй-музейида бўлдик. Санъат намояндалари билан ўтган учрашувлар чоғида Шекспир асарларида образлар яратган Олим Хўжаев, Наби Раҳимовларнинг довруғи бу ерларга ҳам етиб келганини эшитиб, қанчалик қувонгандик, фахрлангандик.

Олим Хўжаев Гамлет ролида.

Олим Хўжаев ўзбек театри, саҳна санъати ютуқларини дунё мамлакатларида кенг тарғиб этилишини дил-дилдан истар ва бу ҳақда ўша вақтлардаги «Марказ»га мурожаат қилиб, баҳслашишдан, талаб қилишдан тинмасди: «Ўзбек давлат академик драма театри бунёд бўлганидан бери нега бирон марта хориж юртларга гастрол сафарига чиқарилмайди? Ҳатто тилимизни тушунадиган томошабинлари мавжуд бўлган Хитой, Афғонистон, Туркияларга ҳам юборилмайди? Нега энди ажойиб иқтидорларга эга бўлган театрни Ҳиндистонга юбориш мумкин эмас? Ахир, театримиз репертуарида буюк ҳинд муаллифларининг асарлари асосида саҳналаштирилган ажойиб спектакллар бор-ку! Бу асарларни ўзбекистонлик санъаткорлар ижросида томоша қилган ҳинд санъат мухлислари қанчалик қувонган бўларди, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари, Бобурийлар бошлаб берган кўприклар янада мустаҳкамланарди». Бу жон куйдиришлар самарасиз қолмади. Собиқ марказда П.Демичев Маданият вазири этиб тайинланган чоғлар унинг ҳузурига борган Олим Хўжаев ўз бўлса-да мақсадига эришади. «Майли, бу масалани кўриб чиқамиз, ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламиз, театрингиз албатта чет элга сафарга чиқиши керак. Театрингизнинг Москвага гастроли масаласи эса ижобий ҳал қилинди, кўзланган репертуар билан келасизлар...»

Бу жавобни эшитган Олим Хўжаев ниҳоятда хурсанд ҳолда ҳаяжон билан ўзи жойлашган «Москва» меҳмонхонасига йўл олади. У ерда уни театрдаги муовини Х.Одилов илҳақ бўлиб кутиб ўтирарди. Олим ака хонага кириб келиб, креслога ўтиради-да: «Ҳамма масалалар кўрилди, ижобий ҳал қиладиган бўлишди... Гастрол масаласи ҳам...» дейди-ю, бирдан ҳолсизланиб, ҳушдан кетади ва... Буюк санъаткор, ажойиб инсон, фидойи маданият намояндаси театр ташвиши, актёрлар манфаатини ҳимоя қилиб, хизмат сафари чоғида ҳаётдан кўз юмган эди.

Унинг жасадини ҳукумат топшириғи билан Тошкентга самолётда олиб келиш учун мен ҳам борган эдим. Буюк санъаткор билан видолашув, ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтганди. Митинг чоғида Навоий кўчасидаги транспорт ҳаракати ҳам тўхтаганди. Минглаб одамлар вилоятлару бошқа республикалардан халқ санъаткори билан видолашгани келганди. Унинг муқаддас «уйи»га айланиб қолган театрдан тобути олиб чиқиб кетилаётганда, радио карнайидан «Алишер Навоий» спектаклидаги Навоий — Олим Хўжаевнинг жарангдор овози янграб турган эди: «Ҳусайн Бойқаро: — Алишер, қаёққа?

Навоий: — Халқимга, ижодимга!..»

Олим Хўжаев бир гал Халқаро театр куни очилиш маросимида шундай деган эди: «Ҳали ажойиб даврлар келадики, ўзбек театрининг довруғи кўп мамлакатларга, дунёга таралади». Мана, бугун Мустақиллик боис Ўзбекистон театрлари спектакллари Англия, Германия, Болгария, Япония, АҚШ, Франция, Италия, Польша, Россия, Исроил, Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон каби мамлакатларда қайта-қайта намойиш этилмоқда.

Ҳа, Олим Хўжаев ўзининг суюкли Ватани маданияти, санъати равнақи учун курашган, бу йўлда жонини ҳам тиккан ватанпарвар инсон, беназир санъаткор эди. Унинг мўътабар номи, элюрт манфаати борасидаги фидойилиги, яратиб кетган ижрочилик мактаби юксак қадрда, эъзоздадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Олим Хўжаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Сирдарё вилоят театри, шунингдек, Тошкент ва Бухородаги коллеж ва кўчалар унинг номи билан аталади. Шунингдек, қабрига ёдгорлик ўрнатилган, ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида кўплаб китоблар чоп этилган, фильм яратилган...

Буюк санъаткор ҳамон ўз шогирдлари, ўз халқининг хотирасида, қалбида яшамоқда. Бундай бахт элим деб, юртим деб ёниб яшаган инсонларгагина насиб этади.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, театршунос олим.

(Суратлар муаллиф архивидан.)

Кураш

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Бугун Термизда Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган 9-анъанавий Халқаро турнир бошланади.

Куни кеча эса Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ижроқўми аъзолари билан матбуот конференцияси ўтказилди.

Анжуманда КХАнинг 35 та федерацияси раҳбарлари иштирок этди. Улар бу спорт турининг бутун дунё бўйлаб оммалашаётгани, унинг Осиё ўйинлари қаторидан жой олгани, бугунги кунда кураш федерациялари дунёнинг 5 қитъа ва 117 мамлакатида фаолият олиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашди. Қизғин савол-жавоблар асосида ўтган анжуманда курашни олимпиада ўйинларига киритиш масаласи кўпчилик эътиборида бўлди. Бу борада **Халқаро олимпия қўмитасининг аъзоси, енгил атлетика бўйича 3 карра олимпия чемпиони Ирина Шевинска** қуйидагиларни гапирди:

— Анчадан буён кураш мусобақаларини кузатиб келаман ва бу менга ҳузур бағишлайди. Шу боис курашни бутун дунё бўйлаб тарғиб қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ишончим комил, яқин келажакда кураш Олимпия ўйинлари дастуридан жой олади. Бунга етарли асосларимиз бор.

Мераби Иллиадис, Грузия кураш федерацияси президенти:

— Термизда ўтказиладиган турнирга тўртинчи маротаба келишим. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу ерда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган. Мусобақаларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаган ҳукуматингизга, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман. Очиғи, стадионга киришим билан ҳайратланаман. Курашнинг ишқибозлари шунчалик кўп эканки, бўш ўриндиқ топиш амри маҳол. Ҳаттоки, ҳассага суяниб қолган ёши улуғ отахонларнинг стадионга келишини кўриб, лол қоламан. Бундай ҳолатни ҳали жаҳоннинг энг нуфузли футбол матчларида ҳам кузатмаганман. Шу боис биз ҳам ўз мамлакатимизда ҳар йили кураш мусобақасини ўтказамиз, жаҳоннинг энг кучли полвонларини курашга чорлаймиз, курашнинг нуфузини янада оширишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Бугун бошланадиган мусобақага 25 та мамлакатнинг 100 нафардан ортиқ полвонлари ташриф буюрган. Ғолиблар эртага маълум бўлади.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Қишлоқ аёлларини ижтимоий ҳимоялаш» лойиҳаси бўйича таплов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

«Аёллар Кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Меҳр нури» жамғармаси, Микромолиявий ташкилотлар ва кредит бирлашмалари миллий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур лойиҳанинг асосий мақсади — юртимизнинг чекка қишлоқларида аёллар тадбиркорлиги ривожига ҳисса қўшиш, ҳамда янги иш ўринлари яратишдан иборатдир. Микрокредитларни қўлга киритиш учун бўлган танлов қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва тикувчилик саноати, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, маиший, ижтимоий хизматлар ҳамда чакана савдо ва жамоат озиқ-овқатлари хизматларини амалга ошириш сингари йўналишлар бўйича олиб борилди.

Лойиҳада қатнашчилар индивидуал ҳамда ташаббускор аёллар гуруҳлари тарзида иштирок этишди. Танловда жами 7000 нафар аёл қатнашди. Якунда ҳакамлар ҳайъати юз нафар иштирокчини имтиёзли микрокредитларга лойиқ кўрди. Танловнинг бошқа қатнашчилари эса лойиҳанинг маълумотлар базасига киритилган бўлиб, уларга маслаҳат ва ахборот кўмаги бериб борилади.

— Ушбу лойиҳа бўйича ҳам Иштихон, Қўшработ, Нуробод, Пахтачи, Пайариқ туманлари аёллари фаол иштирок этишди. — Жами вилоятимиз бўйича уч юзга яқин хотин-қиз танловда ўз бизнес режалари билан қатнашган бўлса, шулардан ўн нафари микрокредит соҳиби бўлди, — дейди самарқандлик Феруза Хонкелдиева. Улар микрокредит ва заёмларни вилоятда қандолатчилик, тўқувчилик, тикувчилик соҳаларини ривожлантириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш учун сарфлайдилар. Ўйлайманки, бундай хайрли тадбир ўз навбатида қишлоқларимиз фаровонлигининг ошишига кўмаклашади.

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш билан биргаликда лойиҳа қатнашчилари учун бизнесни бошқариш бўйича молиявий ташкилотлар раҳбарлари, тадқиқотчи ва мутахассисларнинг махсус маҳорат дарслари ташкил этилди.

Эркин ХОЛБОБО

«ROYAL» МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Андижон шаҳар марказида янги «Royal» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Эллик ўринли меҳмонхонада ошхона-ресторан, ўқув маркази мужассам. Замонавий, кўркам иморатда элликка яқин ишчи ўрни яратилди. Бу меҳмонхона ҳеч бир хориж иншоотидан қолишмайди. Яна бир янгилиги, бу ерда ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Ҳар бир меҳмон ўзини қизиқтирган маълумот ёки адабиётни топа олади.

Аҳмадулло СОЛИЕВ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС

I. На эксплуатацию, техническое обслуживание и текущий ремонт оборудования:

1. Систем вентиляции и кондиционирования воздуха;
2. Систем тепло-, холодо-, водоснабжения;
3. Санитарно-технического назначения и канализации;
4. Систем пожаротушения и пожарной сигнализации;
5. Столовой;
6. Бытовой техники;
7. Пассажирских лифтов.

II. На следующие услуги по администрированию зданию:

1. Промывка поверхности стеклопакетов наружного остекления методом промышленного альпинизма;
2. Консультативные и агротехнические услуги по уходу за декоративными и хвойными растениями, аквариумными рыбками;
3. Организация банкетов, питания гостей.

По всем пунктам необходимо представить сметную экспертизу расчёта стоимости работ.

К рассмотрению будут приниматься предложения, поступившие в течении 20 дней с момента публикации объявления. Датой поступления коммерческого предложения на конкурс будут считаться его регистрация в ГТК РУз.

Справки по телефонам: 120-76-00 (26-05, 20-27)

Адрес: г. Ташкент, проспект Узбекистанский, 3

«ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ»

Шавкат ҚАҲҲОРОВ суратга олган.

Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Истиқлол юлдузчалари» фестивали ўтказилмоқда. Фестиваль болаларни Ватанга садоқат, миллий қадрият, урф-одат, анъаналаримизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган бўлиб, унда 3-7 ёшдаги болалар қўшиқ куйлаш, рақс тушиш, соз чалиш ва ифодали ўқиш бўйича иқтидорларини намойиш этишаяпти. Бугун ўз истеъдодларини намойиш этаётган болажонларимиз орасидан келажакда порлоқ юлдузлар етишиб чиқса, ажаб эмас!

Суратда: *Сергели туманида ўтказилган фестивалдан лавҳа.*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
г — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.45
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda